## учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

281 Узбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш тургисида (Узбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тургисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПК—1875-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ−1875-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофик айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий нормативхукукий хужжатларини ушбу қарорга мувофиклаштирсинлар.
- 3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

## **У**збекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 24 май, 141-сон



281-модда

Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 24 майдаги 141-сон қарорига

## **У**збекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қушимчалар

1. Вазирлар Махкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўкув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўгрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон карорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 йил, 11-сон, 107-модда):

## а) 3-банлла:

иккинчи хатбошига «танлов асосида» сўзларидан кейин «ёки Узбекистон Республика товар-хом ашё биржаси томонидан ташкил этиладиган электрон савдолар воситасида» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошига «комплексларни» сўзларидан кейин «(хорижий тиллар буйича дарсликлар ва укув-методик комплекслар бундан мустасно)» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:

«умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун хорижий тиллар буйича дарсликлар ва укув-методик кулланмаларни харид қилиш ва етказиб бериш Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика мақсадли китоб фондининг айланма маблағлари хисобидан Ӱзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хамда Олий ва ӱрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ёки унинг худудий бошкармалари томонидан амалга оширилади»;

- б) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «(Р.С. Қосимов)» сўзлари «(А.И. Икрамов)» сўзлари билан алмаштирилсин;
  - в) 6-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «6. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қумитаси умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўкув-методик кўлланмаларни нашр этиш ва қайта нашр қилишга тендер (танлов) савдолари ўтказишда рақобат тўгрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтирсин»;
  - г) қуйидаги мазмундаги 6<sup>1</sup>-банд қушилсин:
  - «61. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўкув-методик қўлланмаларни етказиб бериш хизматлари нархларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларида нархларини тартибга солиш назарда тутилган ўкув адабиётлари айрим турларининг нархларини декларациялашда уларнинг сунъий равишда ошириб юборилишига йўл қўйилмаслиги устидан назорат ўрнатсин;

ўқув адабиётларини янгилашда уларга нархлар динамикаси мониторингини олиб борсин хамда улар юзасидан маълумотларни Узлуксиз таълим



тизими учун янги ўкув дастурлари, дарсликлар ва ўкув кўлланмалари яратиш ва уларни қайта кўриб чикиш бўйича Хукумат комиссиясига киритсин»;

- д) 8-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.»;
- е) 3-иловада (Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўкув-методик комплексларни ишлаб чикиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиклаш тартиби тўгрисида низом):
  - 2-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «2. Ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркиби танлов асосида танлаб олиш йўли билан аникланади, хорижий тиллар бўйича дарсликлар ва ўкув-методик қўлланмалар бундан мустасно.

Хорижий тилларни ўрганиш учун ўкув адабиётлари яратиш ва уларни модернизация қилиш бўйича муаллифлар гурухлари (таълим турлари, хорижий тиллар предметлари, синфлар, курслар ва шу кабилар бўйича) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан шакллантирилади ва кўриб чикиш учун хорижий тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича Мувофиклаштирувчи кенгашнинг ишчи органига такдим этилади.

Муаллифлик гурухларини тасдиқлаш тўгрисидаги қарор хорижий тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича Мувофиклаштирувчи кенгаш томонидан қабул қилинади»;

7-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзлари чиқариб ташлансин; саккизинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Буюртмачининг рахбари ёки унинг ўринбосарларидан бири танлов комиссияси раиси хисобланади»;

қуйидаги мазмундаги 171 — 173-бандлар қушилсин:

«17<sup>1</sup>. Қуйидаги ҳолларда танлаб олиш бўлиб ўтмаган деб эълон қилинали:

танлаб олишга учтадан кам булган қатнашчиларнинг таклифлари тақдим этилганда;

учтадан кам қатнашчиларнинг танлов таклифлари танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бÿлганда.

17<sup>2</sup>. Танлов асосида танлаб олиш бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган такдирда, танлов комиссияси такрорий танлов асосида танлаб олишни ўтказиш тўгрисида қарор қабул қилади.

Такрорий танлов асосида танлаб олиш ўтказилганда таклифларни такдим этиш шартлари ва муддатларини қайта кўриб чиқишга йўл қўйилади.

Такрорий танлов булиб утмаган деб эътироф этилган такдирда, тан-



лов комиссияси таълим муассасасига ёки илмий ташкилотга ўкув адабиётини ишлаб чиқаришни топширади.

- 17<sup>3</sup>. Танлов асосида танлаб олиш жараёнида ва у тугаллангандан кейин муаллифлар ишлаб чикувчилар ўз таркибини олимлар, методистлар ва тажрибали амалиётчи ўқитувчилар билан тўлдириши мумкин»;
- ж) 4-иловада (Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўкув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўгрисида низом):

3-банднинг биринчи хатбошига биринчи жумладан кейин «(ўрганиш ва тасдиқлаш хорижий тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича Мувофиклаштирувчи кенгаш томонидан амалга ошириладиган ўкув адабиётлари бундан мустасно)» сўзлари қўшилсин;

5-бандда:

еттинчи хатбошидаги «шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:

- «Буюртмачининг рахбари ёки унинг ўринбосарларидан бири танлов комиссияси раиси хисобланади»;
- з) 5-иловада (Умумий ва ўрта махсус касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўкув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўгрисида низом):

илова номидаги «нашр этиш» сўзларидан кейин «ва қайта нашр қилиш» сўзлари қўшилсин;

- 1-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:
- «Дарсликлар, қушимча уқув, методик адабиётлар ва иш дафтарлари дарсликлар ва уқув-методик комплекслар (кейинги уринларда уқув адабиётлари деб аталади) сифатида қаралади»;

қуйидаги мазмундаги 11-банд қушилсин:

«11. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қулланилади:

**ўкув адабиёти макети** — нашриёт томонидан тасдиқланган босма сахифада полосалар жойлаштирилган холда нашр полосаларини верстка ва монтаж қилиш учун ўкув адабиёти эталони;

**ўкув адабиётининг асл нусхаси-макети** — ҳар бир саҳифаси булгуси нашрнинг тегишли саҳифасига тӱлиқ мувофиқ бӱлган ӱқув адабиётининг асл нусҳаси;


**нашр** — ўхшаш нусхаларнинг муайян сони билан ўқув адабиётининг бирламчи чоп этилиши;

**қайта нашр қилиш** — олдин чиқарилган ўқув адабиётини такроран нашр қилиш. Қайта нашр қилиш стереотип, яъни бирор-бир тузатишларсиз, ёки тузатилган, тўлдирилган, қайта ишланган бўлиши мумкин»;

2-бандда:

биринчи хатбошидаги «дарсликлар ва ўкув-методик комплекслар (кейинги ўринларда ўкув адабиётлари деб юритилади)» сўзлари «ўкув адабиётлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;





иккинчи хатбошига «танлаш йўли билан» сўзларидан кейин «ёки Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси томонидан ташкил этиладиган электрон савдолар воситасида» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:

«Истисно холларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари асосида ўқув адабиётларини нашр этиш ва қайта нашр қилишда контрактлар тендер (танлов) савдолари ўтказилмасдан тузилиши мумкин»;

5-банднинг иккинчи ва учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Нашр қилиш ва қайта нашр қилишга тендер савдолари фақат Хукумат комиссиясининг қарори ва хуқуқ эгалари (муаллифлар ва муаллифлар жамоалари)нинг розилиги мавжуд булган уқув адабиётларига эълон қилиниши мумкин. Уқув адабиётларини қайта нашр қилишда уқув адабиётларининг асл нусхаси-макетига хуқуқларга эга булган нашриётларнинг розилиги ҳам зарурдир.

Ўкув адабиётларини қайта нашр қилиш буйича тендер савдолари голибларига муаллифни тақдирлаш туловини ва укув адабиётларининг асл нусхаси-макетини тайёрлашга тасдикланган сарф-харажатларни хукук эгаси булган нашриётга коплаш учун маблағларни тулаш Узбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда белгиланадиган тартибда амалга оширилади»;

10-бандда:

учинчи хатбошидаги «бошланғич» сўзи «максимал» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қушилсин:

«тендер савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш билан боглиқ харажатларни амалга оширади»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб хисоблансин;

олтинчи хатбошидаги «тендер хужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди» сўзлари «тендер хужжатлари ишлаб чиқилишини назорат қилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-бандда:


иккинчи хатбошидаги «аппаратининг» сўзлари «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар қушилсин:

«Узбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қумитаси;

Узбекистон Республикаси Согликни саклаш вазирлиги»;

олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;





281-модда

еттинчи хатбошидаги «баҳолаш гуруҳи» сӱзлари «баҳолаш гуруҳлари» сӱзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«тендер савдолари натижаларини тасдиқлаш учун Хукумат комиссиясига киритади»;

13-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«буюртмачи билан келишган ҳолда тендер ҳужжатларини ишлаб чиҳади ва тасдиҳлангандан кейин уни талабгорларга таҳдим этади;

тендер ўтказиш тўгрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади ва махсус ахборот порталида жойлаштиради ҳамда потенциал талабгорларга таклифномалар жўнатилишини таъминлайди»;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қушилсин:

«талабгорларнинг малакавий танловини ўтказади»;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

- 15 18-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «15. Бахолаш гуруҳларининг шахсий таркиби тендер комиссияси томонидан тасдиқланади ва тендер савдолари тугаллангунга қадар махфий ахборот ҳисобланади.
  - 16. Бахолаш гурухлари:

тендер таклифларини ўрганади, тахлил қилади ва кўриб чиқади;

тендер хужжатларида курсатилган мезонларга мувофиқ баллар қуяди; энг яхши тендер таклифини аниқлайди хамда савдолар ғолибини аниқлаш ва тасдиқлаш учун тендер комиссиясига хулоса киритади.

- 17. Ноширлик фаолиятида тажрибага эга булган ҳам маҳаллий, ҳам ҳорижий юридик шаҳслар оферентлар тендер савдолари қатнашчилари булишлари мумкин.
- 18. Талабгорларнинг малакавий танловида савдоларда қатнашишга қуйидаги юридик шахслар қуйилмайди:

тендер савдолари эълон қилинган санада давлат руйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўз фаолиятини 6 ойдан кам амалга ошираётган;

буюртмачи билан олдин тузилган контрактлар буйича зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни зарур тарзда бажармаган;

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичидаги;

буюртмачи билан суд мухокамаси холатидаги;

тендер комиссияси аъзоларидан кимгадир бевосита ташкилий-хуқуқий ёки молиявий қарам булган;

малакавий танлов учун барча зарур хужжатларни белгиланган муддатларда такдим этмаган.

Буюртмачи билан олдин тузилган контрактлар буйича ўз зиммасига олинган мажбуриятларни зарур тарзда бажармаган оферентлар ту́грисидаги маълумотлар тендер комиссиясига такдим этилади»;

19-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;



биринчи хатбошидаги «Тендер савдолари қатнашчилари» сузлари «Оферентлар» сузлари билан алмаштирилсин;

туртинчи хатбошидаги «уз манбаларидан» сузлари «уз манбалари хисобидан» сузлари билан алмаштирилсин;

21-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«21. Тендер хужжатлари ишлаб чиқилишини тендер комиссияси ташкил этади, тендер савдолари ташкилотчиси эса амалга оширади. Тендер хужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

оферентлар учун йўрикнома;

талабгорларга қуйиладиган малака талаблари;

нашр этиладиган ўкув адабиётлари руйхати, техник талаблар ва спецификация;

тендер таклифи шакли, шу жумладан тендер таклифларини ўраш ва маркировка қилишга қуйиладиган талаблар, таклифларни техник ва молиявий бахолаш мезонлари;

контрактнинг тахминий куриниши»;

22-бандда:

биринчи хатбошидаги «тендер савдолари қатнашчилари» сузлари «оферентлар» сузлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «сонига» сўзлари «нусхалар сони тўгрисидаги кўрсатмаларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

туккизинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён килинсин:

«қайд этилган вақт мобайнида оферент таклифи қайтариб олинмаслигини кафолатловчи тендер таклифига пул кафолати миқдори, уни қуйиш тартиби ва қайтариш тартиби»;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши қушилсин:

«буюртмачининг хохишига кура — тендер савдолари натижаси буйича тузилган контрактни зарур тарзда ижро этиш буйича пул кафолати (гаров шаклида) миқдори, уни қуйиш ва қайтариш тартиби»;

ўнинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн биринчи хатбошидаги «савдо қатнашчилари» сўзлари «оферентлар» сўзи билан алмаштирилсин;

23-банлла:

иккинчи хатбошидаги «қатнашчининг» сўзи «талабгорнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«давлат буюртмасининг талабгорлик қилинаётган ҳажмини бажариш учун зарур меҳнат ресурслари ва малакали мутахассислар, ўз ишлаб чиқариш базаси ёки ўқув адабиётларининг талабгорлик қилинаётган ҳажми нусҳаларини кўпайтириш тўгрисидаги шартнома мавжудлиги»;

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб хисоблансин;



281-модда

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қушилсин:

«талабгорнинг тендер савдоларида қатнашиш учун малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган маълумотлар»;

иккинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — еттинчи хатбошилар деб хисоблансин;

26-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;

29-банддаги «қатнашчиларига» сузи «талабгорларига» сузи билан алмаштирилсин;

32-бандда «эълон қилинади» сўзларидан кейин «ҳамда махсус ахборот порталида жойлаштирилади» сўзлари қўшилсин;

33-бандда:

туртинчи хатбошидаги «ва нусхаси» сузлари «нусхаси ва максимал қиймати» сузлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «қатнашчиси» сузи «талабгори» сузи билан алмаштирилсин;

34-банднинг иккинчи хатбошидаги «тендер хужжатларини ишлаб чиқиш, нусхасини кўпайтириш ва тарқатиш бўйича мехнатга хақ тўлаш қийматидан келиб чиқиб белгиланади» сўзлари «унинг тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боглиқ кутилаётган харажатларидан келиб чиқиб белгиланади» сўзлари билан алмаштирилсин;

35-36-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«35. Тендер таклифлари тендер хужжатларига қуйиладиган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади ва бир пакетга солинган икки конвертда тақдим этилади.

Пакетда талабгорнинг малака талабларига мувофиклигини ва молиявий холатини тасдиклайдиган хужжатлар, кафолат (тендер комиссияси томонидан нашр этиладиган ўкув адабиёти максимал киймати (нархи)нинг 1 фоизидан 5 фоизигача белгиланадиган микдорда) кўйилганлигини тасдиклайдиган банк хужжатлари, ёки эквивалент суммага хизмат кўрсатувчи банкнинг кафолат хати такдим этилади.

Биринчи конверт техник таклиф ҳисобланади ва унда ўқув адабиёти макети, таклиф этилаётган жадвал ҳамда ўқув адабиётини нашр этиш ва қайта нашр этиш муддатлари кўрсатилган бўлади.

Иккинчи конверт тижорат таклифи хисобланади ва унда нарх таклифлари, булиши мумкин булган чегирмалар мавжуд булади.

36. Пакетда талабгорнинг номи ва манзили, тендер савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили ёзилган бўлиши керак. Конвертларда талабгорнинг номи ва манзили, тендер савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили, нашр этиш ва қайта нашр этиш учун таклиф қилинаётган ўкув адабиётлари номи ва, зарурият бўлганда, таклифнома рақами кўрсатилади»;

38-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«38. Тендер таклифининг амал қилиш муддати тендер ҳужжатлари билан белгиланади.



Талабгорлар ўз тендер таклифларини уларни такдим этишнинг охирги куни ва вакти тамом бўлгунга қадар чақириб олишлари мумкин.

Куйидаги ҳолларда тендер таклифи куриб чиқилмайди ва конвертлар очилмасдан талабгорга қайтарилади:

тендер хужжати уни такдим этиш муддати тамом булгандан кейин тушганда:

талабгор тендер савдолари малака талабларига мувофик булмаганда»; 40-банд куйидаги тахрирда баён килинсин:

«40. Тендер таклифларини беришнинг белгиланган муддати тамом булгандан кейин, тендер комиссияси белгиланган кун ва соатда талабгорнинг малака талабларига мувофиклигини ва молиявий холатини тасдиклайдиган хужжатлар, банк хужжатлари, техник ва тижорат таклифлари мавжуд булган конвертлар бор булган конвертни очади.

Техник ва тижорат таклифлари билдирилган конвертлар мухрланган шаклда қолади ҳамда навбатдаги мажлисгача тендер савдолари ташкилотчисининг пулат сандиғида сақланади. Тендер савдолари ташкилотчиси биринчи ва иккинчи конвертлардаги ҳужжатларнинг сақланиши учун жавоб беради»;

қуйидаги мазмундаги 401-банд қушилсин:

«40<sup>1</sup>. Талабгорнинг малака талабларига мувофиклигини ва молиявий холатини тасдиклайдиган хужжатлар, банк хужжатлари тендерда катнашиш учун куйиладиган талабгорларни малакали танлаб олиш учун тендер савдолари ташкилотчисига берилади.


Танлаб олинган оферентлар руйхати тендер комиссияси томонидан тасдиқланади.

Тендерда қатнашишга қуйилмаган талабгорларнинг тендер хужжатлари техник ва тижорат таклифлари билдирилган конвертлар очилмасдан талабгорларга қайтарилади»;

- 41-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «41. Техник таклифлар билдирилган конвертлар қатнашиш истагини билдирган оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида очилади.

Биринчи конверт очилгандан кейин оферентлар номлари ўкилади, савдолар шартлари ва тартиб-қоидаларига риоя этиш, тегишли хужжатлар мавжудлиги текширилади»;

- 42, 43, 46 50, 57 ва 62-бандларда «қатнашчига», «қатнашчилари», «қатнашчиларга», «қатнашчининг», «қатнашчилар», «қатнашчи», «қатнашчини» сузлари тегишли равишда «оферентга», «оферентлари», «оферентларга», «оферентнинг», «оферентлар», «оферентни» сузлари билан алмаштирилсин;
  - 45-банддан «қатнашчининг малакаси» сўзлари чиқариб ташлансин;
  - 51 ва 52-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «51. Иккинчи пакетга солинган барча талаб этиладиган хужжатлар мавжуд булган такдирда, тендер комиссияси уларни бахолаш учун тижорат асосида бахолаш буйича бахолаш гурухига беради.





281-модда

52. Тижорат асосида бахолаш буйича бахолаш гурухи таққослаш усули билан оферентлар томонидан таклиф этилаётган укув адабиётлари қийматини (нархини), чегирмалар миқдорларини ва оферентларнинг молиявий-иқтисодий курсаткичларини куриб чиқади»;

55-банднинг биринчи ва иккинчи жумлаларидаги «баҳолаш гуруҳи» сузлари «баҳолаш гуруҳлари» сузлари билан алмаштирилсин;

56-банднинг иккинчи хатбошидаги «талабгорга» сўзи «оферентга» сўзи билан алмаштирилсин;

58-банддаги «баҳолаш гуруҳининг хулосалари натижаларига ва тендер комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хулосасига» сузлари «баҳолаш гуруҳларининг хулосалари натижаларига» сузлари билан алмаштирилсин;

59-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Тендер комиссиясининг якуний баённомасида голиб ва захира оферентлар, тендер комиссияси таркиби, бахолаш гурухларининг хулосалари, оферентларнинг тендер таклифлари йигма жадвали ва голиб билан контрактни имзолашнинг мулжалланаётган муддатлари тугрисидаги маълумотлар мавжуд булади»;

64-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«64. Тендер савдолари қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тендер таклифларини тақдим этишнинг охирги муддатига келиб бир лот буйича учтадан кам таклиф тушганда;

барча тендер таклифлари тендер хужжатларига қуйиладиган талабларга мувофиқ булмаганда;

барча тендер таклифларида тендер хужжатлари шартлари талаб этадиган хужжатлар мавжуд булмаганда;

ўкув адабиётининг максимал қиймати доирасида иккитадан кам бўлган оферентнинг нарх таклифи такдим этилганда;

малакавий танлов шартларига учтадан кам булган талабгорнинг таклифлари мувофик булганда»;

66-бандга «тендер хужжатлари шартларини» сўзларидан кейин «ва тендер комиссиясининг қарори бўйича уни тақдим этиш муддатларини» сўзлари қўшилсин;

67-бандга қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қушилсин: «тендер савдолари булиб утмаган деб эълон қилинган тақдирда»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб хисоблансин.

- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «2009 2013 йилларда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўкув кўлланмаларини нашр этиш дастури тўгрисида» 2009 йил 20 мартдаги 80-сон қарорида:
  - а) 8-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўкув қўлланмаларини нашр этиш ва қайта нашр этишга танлов (тендер) савдолари ўтказишда рақобат тўгри-



сидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш устидан назорат қилишни кучайтирсин»;

- б) қуйидаги мазмундаги 8.1-банд қушилсин:
- «8.1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўкув кўлланмаларини етказиб бериш хизматларига нархлар, шунингдек ўкув адабиётларига декларация тўлдиришда уни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларида назарда тутилган ўкув адабиётларининг айрим турларига нархлар сунъий равишда ошириб юборилишига йўл кўймаслик устидан назорат ўрнатсин;

ўкув адабиётларини янгилашда уларнинг нархлари динамикаси мониторингини олиб борсин ҳамда улар бўйича маълумотларни Узлуксиз таълим тизими учун янги ўкув дастурлари, дарсликлар яратиш ва уларни қайта кўриб чиқиш бўйича Хукумат комиссиясига киритсин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 йил, 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 22-сатр қўшилсин:

<b>‹</b> ‹	22.	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-	30%	шартноманинг	
		хунар таълими муассасалари учун		умумий	
		дарсликлар ва ўқув қўлланмалари		суммасидан	<b>»</b> .

**»**.